

## РАҚС САНЪАТИНИНГ ҲАЙКАЛТАРОШЛИК АСАРЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

**Шарипова Шахло Холикуловна**

*Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг Тасвирий санъат факултети Ҳайкалтарошлик кафедраси 2-босқич Магистранти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ҳайкалтарошлик санъати ҳақида қисқа сўз юритилиб, Ўрта осий ва Европа ҳайкалтарошларининг даврлар мобайнида Ҳайкалтарошлик асарларида рақс мавзуси ҳамда бугунги кунда яратилаётган Рақс санъатининг ҳайкалтарошлик асарларда ифодаланиши ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** композиция, бадиий гоё, прототип, тимсоли, образ, Релеф, лой, тош, ҳайкалтарошлик, рақс, жозоба, анатомик, динамика пластик ечим.

Ўзбек халқи бой тарихий ўтмишга эга. Узоқ ривожланиш даврида у, Ўрта Осиёнинг бошқа халқларига ўхшаш, инсониятга илм ва санъатнинг буюк намоёндаларини берди. Асарлар давомида бой ўзига хос маданият яратилди. Ўрта Осиёнинг кўпгина босқинчилиги натижасида ўтмиш ёдгорликларида турли қадимий маданиятлар-юнон, ҳинд, эрон, араб-таъсири кўринадди. Аммо бу таъсирлар ўзбек маданиятини бойитиб, унинг ўзига хослигини йўқотмади. Ўзбек халқининг санъати ўзининг бадиий анъаналарини, усталик қонунларини, ифодалаш воситаларини ишлаб чиқди. Халқ ижодининг турли жанрлари яратилди.

Рангтасвирдаги рақс мавзусига бўлган мурожат ўзбек ҳайкалтарошларни ҳам четлаб ўтмади. Бу эса ҳайкалтарошлик асарларида гўзал ва бир-бирини такрорламайдиган бадиий жиҳатдан боетилган асарларни дунёга келишини тامينлади. Ўзбек халқининг тарихини ва маданий меросини ҳайкалтарошлар чуқур ўрганиб, бадиий жараёнда мусиқа ва рақс мавзуи ҳам ҳайкалтарошлик санъатини бойитиб келмоқда.

Умуман олганда, ҳайкалтарошларни ҳар қандай экзотик нарсалар қизиқтиради, ижодкорлар ундан янги бадиий гоёлар топади ва ижодий жараёнга жалб қилдилар, рақс мавзусида ишланган композициялар кўпинча шу қадар қайта ишландиларки, улардаги асл манба ва прототипни кўриш деярли мумкин эмас. Шарқ рақси мавзуси шу эрдан келиб чиқади. Турли давлатларда ва даврларда Рақс санъатининг ҳайкалтарошлик асарларда ифодаланиши муаллифларнинг ҳайкалтарошлик композициялари ҳар даврда ўз ўрни ва қийматига эга бўган. Белгиялик ҳайкалтарош Клер Жан Роберт Колин (1880-1950) ижодида ҳам раққосалар мавзуси етакчилик қилган. “рус раққосаси”, “Фиванская танцовщица”, “Индиская танцовщица”, “Танцовщица Анкары” шулар жумласидан. Колин ҳайкалларида гавдаланган образлар доираси анча кенг ва классик сахналаштирилган позалардаги балериналардан тортиб жанговор валкирларгача кўришимиз мумкин. Француз ҳайкалтароши Доминик Алонзо (1893-1958) ижодида ҳам “Раққоса” образи, Ҳайкалтарош Энрике Молансинг Арт Десо услубида ишлаган “La danseuse” асари (1920-1930). Эдгар Дегаснинг “Кичик ўн тўрт ёшли раққоса” ҳайкали Италиялик ҳайкалтарош Антонио Канованинг Неоклассик услубидаги “раққоса”<sup>51</sup> ҳайкалтарошлик асари. Ушбу ижодкорларнинг ҳар бири ўз даврига ва услубига кўра

<sup>51</sup> <https://waytomonte.com/p-137-statue-of-ballerina-sculpture-of-a-dancer>

рақс санъатини композицион ечиминияратди. Хайкалтарош .А. Леонарднинг “Рўмолли узун кўйлақдаги раққоса” номли туркум композициялари Париждаги Бутун жахон кургазмаси учун Севр чинни устаси томонидан ясалган 15 раққосадан иборат хайкалтарошлик гуруҳи олтин мукофотга сазовор бўлган. Катта муваффақиятдан сўнг бу хайкалтарошлик гуруҳи бронзада нашр этилган. 15 раққосанинг ҳар бири турли хил позаларда ва қўлларида турли хил нарсалар билан тевирланган. Уларни бирлаштирган нарс бу бир хил, ҳайратланарли даражада чиройли узун, кенг ва енгил кўйлақ, тасаввур қилиб бўлмайдиган сонли бурмалар эди.<sup>52</sup> Мавзу бир бўлгани билан ижодий ёндошув ҳар бир ижодкорда ўзгача тарзда намоён бўлади. Ижодий жараён нафақат ақлий, жисмоний балки хиссий жараёндир. Бу жараён қалбдан кечганида ўлмас асарлар дунёга келади. Будва шахрининг норасмий рамзига айланган муаллифи номалум бўлган санъат асари ҳақиқий абадий муҳаббат тимсоли дея тариф этилган “раққоса” хайкали Черногория бўйлаб энг машхур хайкал.<sup>53</sup> Махаллий халқ орасида бу хайкал ҳақида турли афсоналар мавжуд. Денгиз бўйида умир бўйи ёрини кутган садоқатли аёл тимсоли. Муҳаббат, садоқат ва матонат рамзи сифатида қабул қилинган.

Ўтра осиеда хусусан Ўзбекистон мананияти ва санъатида ўқмас из қолдирган таниқли хонанда балитмestr ягона ва илк раққоса Тамара хонимнинг рақсга тушаётган хайкали хайкалтарош Шапиро томонидан (1974-1975) яралтилган.<sup>54</sup> Композицияда миллий либосда рақсга тушаётган Тамара хоним табассуми ва нозик қўл ҳаракатлари маҳорат билан тасвирланган. Тамара хонимга хос, шахдам қадам ташлаган ва виқор билан олдинга интилган, жасоратли ўзбек аёлини ифода этувчи нигоҳлари композицияни янада жозибадор қилган.

Хайкалтарошлар ўз асарларида рақс санъатининг жозибаси, маҳзунлиги, шиддатини раққос ва раққосанинг нафис ҳаракатларини анатомик, динамик ва пластик ечимларини хайкалтарошлик санъати шакллари орқали ифодалайди. Хайкалтарошлик – тасвирий санъатнинг шундай турики борлиқни ҳажмли шаклларда, маконда уч ўлчамда тасвирлашга асосланади. Тасвир объекти, асосан, инсон; шунингдек, ҳайвонлар (анималистика), табиат (манзара) ва нарсалар (натюрморт). Хайкалтарошликнинг икки асосий кўриниши айланиб кузатиш имконини берувчи думалоқ хайкал ҳамда фақат бир томондан кўришга мўлжалланган бўртма (кабарик) тасвир релеф тури фарқланади. Релеф, ўз навбатида, юзага нисбатан бироз бўрттириб ишланадиган барелеф ҳамда тасвир юзага нисбатан анча бўрттириб ишланадиган горелефга бўлинади; шунингдек нур соя ўйини ҳисобига тасвир кўзга ташланадиган текис юзага ишланадиган яъни ўйма кўриниш мавжуд бўлади.

Хайкалтарошлик бажарадиган вазифаси ва мазмунига кўра бир неча турларга бўлинади: монументал хайкалтарошлик, безак хайкалтарошлиги, дастгоҳ хайкалтарошлик (қ. дастгоҳсанъати), майда хайкалтарошлик турлари ўз аро яқин алоқада ривожланади ҳамда ўзига хос хусусиятларга эга бўлди.<sup>55</sup>

Хайкалтарошларнинг ижодий услублари 70-80 йиллар анъаналаридан кескин фарқланмай турса ҳам, 1990 йилларда яратилган асарларида янги ғоявий-мафкуравий муҳит таъсири, миллий ҳамда тарихий мавзулар устуворлиги ўз аксини топди ва йирик бадий ёдгорлик хайкаллар барпо этилди.<sup>56</sup>

<sup>52</sup> Дмитрия Чипаруса “Скульптуру стиля ар-деко”

<sup>53</sup> Томашевич Стеван “Танцовщица из Будвы” 1935 г.

<sup>54</sup> Тамара хоним уй-музейи архиви 1999-2017 16-а

<sup>55</sup> ZIYO.NET – Ўзбекистон таълим портали.

<sup>56</sup> <http://www.ru.wikipedia.org>

Ҳайкалтарошлик санъатига оид асарлар ишланиш техникаси, ҳаракатлардаги ҳолатлар ва шу билан биргалида яратилган асарнинг ғояси асар тақдирини белгилайди. Чунки оддий лойдан ёки бўлмаса тошдан ўзгача гўзаллик яратиб уни томошабинларга улашиш билан биргаликда томошабин қалбини забт эта олиш ҳам бу катта меҳнат, чидам ва сабр – тоқат талаб этади. Ўзбекистон халқ рассоми Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ҳайкалтарошлик кафедраси профессори Жасвант Анназаровнинг ижодида ҳам рақс мавзусида яратилган композициялар ўзига хос характерга эга. “Рақс” асарида ёш раққос ва раққосанинг жуфтликда ижро этилаётган жўшқин ва шиддатли ҳаракатланаётганини бир қарашда илғаш мумкин бу рухияти асар жозибадорлигини оширади.



“Раққоса” асри юқоридаги фикримизнинг далили бўлаолади. Сабаби бу ҳайкалтарош ўз асарини ўзгача меҳр билан ишлаши ундаги жозоба бир муддат бўлсада инсонни онг-у, шуурни ўғирлаши табиийдир. Чунки раққосанинг юзидаги лирик мимика ва унинг қўл ҳаракатлари юқоридаги фикрни тўлдирмоқда. Асарда раққоса тик қоматда тасвирланган бўлиб, унинг қўллари юқорига кўтарилган, бош эса бироз ёнга қаратилган, юздаги лирик кайфият эса рақс санъатини барча гўзаллигини ва раққосаларнинг ўзгача жозибасини тараннум этаётганини ёш ва навқирон ҳайкалтарош ўз асарига кўчира олган. Чунки бу асарни кўрган томошабин бир вақтни ўзида рақс санъатининг сеҳирли оламини ва шу билан биргаликда инсон қўлининг сеҳирли эканига яна бир бора ишонч ҳосил қилади. Агар биз “Раққоса” асарига эътибор билан разим солсак унинг биргина қўл ва юздаги мимикалар гапирмасдан. Балки бутун асар томошабинга нималарнинг сўзлаётгандек кўринади. Хатто унинг оёқ ҳаракатларида ҳам нимадир сўзлагандек. Бу оёқ ҳаракатлари томошабинга хинд рақсларни ва хин раққосаларни эслатади. Сабаби хин рақсларида қўл ва оёқ ҳаракатлари муҳим восита саналади бироқ хинд рақсларга хос бўлган яна бир хусусияти бу раққосанинг эгнидаги либосларидир. Бу

фикрни Болаликтепа қазилмаларидан топилган ярим ялонғоч раққоса аёл (эрамизнинг I асри) ёдролиги ҳам тасдиқлайди<sup>57</sup>.

Демак рақс санъатига бағишланган хайкалтарошлик асарлари қадимдан бугунги кунгача давом этиб келмоқда деган фикрга тўхталса бўлади назаримда ўша даврларда ҳам санъатнинг бошқа турига иккинчиси кўчириб турилган. Бу санъат турлари бир – бирига кўчканда ҳам ўз холича кўчмасдан аксинча кўчираётган санъаткор ўзидан ҳам нималарнингдир кўшган. Бу эса ўз навбатида санъатни бойишига хизмат қилган.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. O'zbek san'ati, T., 2000. Ne'mat Abdullayev.
2. Golubkina A. S., Neskolko slov o remesle skulptora, M., 1963
3. Л. И. Альбаум. Балалик тепа. Тошкент. 1960, стр. 31-32.
4. Томашевич Стеван "Танцовщица из Будвы" 1935 г.
5. <https://waytomonte.com/p-137-statue-of-ballerina-sculpture-of-a-dancer>
6. Дмитрия Чипаруса “Скульптуру стиля ар-деко”
7. Ziyonet – Ўзбекистон таълим портали.
8. <http://www.ru.wikipedia.org>

<sup>57</sup>Л. И. Альбаум. Балалик тепа. Тошкент. 1960, стр. 31-32.